



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 3 декабр, жума № 172 (819)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Гувоҳномалар топширилди

Аввал хабар қилинганидек, Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ислам Каримов ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Абдулҳафиз Жалолов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган эдилар.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот маркази

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

2 декабр куни Нукус шаҳрида Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди кўрсатилган Ислам Каримовнинг қорақалпоғистонлик сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон меҳнатқашлари, тадбиркорлар ва зиёлилар, чорвадорлар ва хотин-қизлар, талабалар ҳамда сиёсий партиялар вакиллари иштирок этишди.

Учрашуви Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси Абдикерим Мамбетқаримов очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ишончли вакили, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Иброҳим Юсупов сўз олиб, сайловчиларни Президентликка номзод Ислам Каримовнинг таржимаи ҳоли билан таништирди. У Президентликка номзоднинг мамлакат раҳбари сифатидаги серрира фаолиятига, юрт озодлиги ва ободлиги йўлида амалга оширилган кенг қўламли ишлари, Ўзбекистондаги миллатлар ва эллар тотувлиги, тинчлик ва барқарорлик, халқ турмуш даражасини кўтариш, давлатимизнинг дунё миқёсидаги озу-этиборини янада юксалтириш йўлидаги улкан хизматларига алоҳида эътибор қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислам Каримов сайловчилар олдида сэрмэзмун нутқ сўзлади. Ислам Каримов мамлакатимизда демократик таъминлов асосида ўтаётган сайловлар халқимизни пароканда ва бир-бирига қарши қилишга эмас, балки элу юрт манфаатлари йўлида янада жипсашшига хизмат қилиши зарурлигини таъкидлади.

Шунингдек, Ислам Каримов Қорақалпоғистон Республикаси «қўп миллатли Ўзбекистон оиласида узига хос алоҳида ўрин тутиши ва узига мос ривожланиш йўлидан бораётганлигини, Орол муаммоларини баргараф этиш, сановат ва қишлоқ хўжалиги раванки йўлида салмоқли ишлар қилинганини айтиди, шу билан бирга Қорақалпоғистон иқтисодий-иқтисодиётини янада юксалтириш, талим тизимидаги ислохотлар

изчиллигига эришиш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мақсадида янги-янги ишчи ўринлари яратиш, ўрта ва кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш билан боғлиқ муҳим вазифаларни илгари сурди.

Сўзининг якунида Ислам Каримов, жумладан шундай деди: «Шу азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, шу буюк халқимизнинг келажаги, бахт-саодати йўлида сизлар билан биргаликда ҳаммисиз хизмат қилишга тайёрман».

Шундан кейин бирин-кетин сайловчилар сўз олишди. Қўниртот туманидаги «Хоразм» овул фуқаролар йиғини оқсоқоли Халмурза Шаниязов, Амударё тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Хонимжон Ражабов, Тахтақўйир туманидаги «Тахтақўйир» ширкатлар уюшмаси раиси Ағитай Адилбеков, Беруний тумани марказий шифохонаси бозорчилик бўлими мудири Бозорбай Оразалиев, Нукус Давлат педагогика институтини қорақалпоқ тили ва адабиёти факультетининг 1-курс талабаси Мийран Қайипазарова, Нукус шаҳридаги 37-лицейнинг рус тили ва адабиёти ўқитувчиси Людмила Трехина ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакат тинчлиги ва оқсоқолиликни, юрт озодлигини, фарзандлар бахту саодатини, Ўзбекистоннинг буюк келажакни Ислам Каримов сиймосида қўришларини, шунинг учун ҳам қорақалпоғистонлик сайловчилар яқдиллик ва ҳамжихатлик билан унга овоз беришларини изхор этишди.

Шу куни Ислам Каримов Нукус шаҳар аҳолиси билан ҳам учрашиб, самимий сўхбатлашди.

Б.СМОНОВ (ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ ЮКСАЛМОҚДА

Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бормоқда. Мамлакатимиз иқтисодий-иқтисодий киритилаётган сармоя ҳажми ошиб, чет эллик шериклар билан биргаликда барпо этилаётган қўшма корхоналар сони кўпаймоқда. Куни кеча Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида юртимиз раёони, халқимиз фаровонлиги йўлида хизмат қилувчи ана шундай корхоналардан яна бири фойдаланишга топширилган эди. 1 декабр куни «Қабул-Ўзбек Ко» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасига қарашли мазкур улкан ишлаб чиқариш мажмуининг расмий очилиш маросими бўлди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов иштирок этди.



Тантанали маросимни Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлағов очди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга берилди.

Давлатимиз раҳбари бу йил юртимизда қўллаган ишшоотлар бунёд этилганини мамнуният билан қайд этар экан, улар орасида Жанубий Кореянинг «Қабул текстайлз» компанияси билан ҳамкорликда барпо қилинган мазкур ишлаб чиқариш корхонаси алоҳида ўрин тутишини таъкидлади. Унинг энг замонавий техника билан жиҳозлангани, асосан экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариши, қўлба маҳаллий кадрларни иш билан таъминлагани хориж сармоясининг мамлакат иқтисодий-иқтисодий эътиришида нечоғли муҳим аҳамият касб этишини яна бир қарра аққол намоён қилишини қайд этди. Мазкур ишшоотнинг

ишга туширилишини мамлакатимиз иқтисодий ҳаётидаги муҳим янгилик, дейиш мумкин. Зеро, мамлакатимиз дунёда пахта етиштириш бўйича тўртинчи, уни экспорт қилиш бўйича эса иккинчи ўринда туради. Айни пайтда пахта хомашёсининг 25 фоизигина ўзимизда қайта ишланади. Ваҳоланки, ҳисоб-китоблар шуни кўрсатяптики, дейлик, хомашёдан бир сўм даромад олинса, тайёр маҳсулотда бу рақам 6-7 сўмгача етади. Бу пахтадан қайта ишлаш соҳасини хар томонлама ривожлантиришни тақозо қилади.

Яна бир омил — аҳолининг бандлиги, деб таъкидлади Ислам Каримов. Енгил сановат халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, анча меҳнатталаб. Яъни, кўпроқ иш кучини

талаб қилади. Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан зиёдроги эса қишлоқ жойларда яшайди. Уларни шу ернинг ўзида ёки яқинкор жойда иш билан таъминлаш керак. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг шу йил октябр ойида Жанубий Кореяга буюрган ташрифи чоғида «Қабул текстайлз» компанияси томонидан қўрилган. Корхона Жанубий Корея, Япония, Германия, Швейцария ва Белгияда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозланган. Бундай техника Марказий Осиёдаги бирор давлатда йўқ эди. Бу ерда қарийб уч минг киши ишлайди. Чет эллик шериклар маҳаллий кадрларни шу ернинг ўзида ёки Жанубий Кореяда ўқитишни йўлга қўйган. Корхонада йилга 24,5 минг тонна калава ип, эни халқаро андозаларга мос,

қуриш режалаштирилмоқда. Бу корхоналарнинг ҳар бирида ўртача 2,5-3 минг одам ишлайди.

Кўкчада ишга тушган ишшоот лойиҳасининг умумий қиймати 114 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, бу маблағнинг 30 фоизи «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси, 70 фоизи «Қабул текстайлз» компанияси томонидан қўрилган. Корхона Жанубий Корея, Япония, Германия, Швейцария ва Белгияда ишлаб чиқарилган замонавий техника билан жиҳозланган. Бундай техника Марказий Осиёдаги бирор давлатда йўқ эди. Бу ерда қарийб уч минг киши ишлайди. Чет эллик шериклар маҳаллий кадрларни шу ернинг ўзида ёки Жанубий Кореяда ўқитишни йўлга қўйган. Корхонада йилга 24,5 минг тонна калава ип, эни халқаро андозаларга мос,

яъни 1640 миллиметрли юқори сифатли газламадан эса 9 миллион метр ишлаб чиқарилади. Маҳсулотнинг 98 фоизи АҚШ, Канада, Европа давлатларига экспорт қилинади. Бу қарийб эллик миллион доллар даромад, деган гап. Яъни, корхонани барпо этишга сарфланган маблағ жуда қисқа вақт ичида қоланади.

Корхонанинг очилиш маросимида «Қабул текстайлз» бошқаруви раиси Чанг Хо Пак, Корея Республикаси Эксимбанки бошқаруви раиси Ман Ки Янг, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Че Ёнг Ха сўзга чиқиб, мазкур корхонанинг очилиши тўқимачилик соҳасидаги икки томонлама ҳамкорлигининг бошланиши эканини таъкидлади ва келгусида бундай ишшоотларни янада кўпайтириш бо-

расида муайян режалар мавжудлигидан мамнуният изхор этди. Сўзга чиққанлар бундай улкан миқёсдаги ҳамкорликка Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит яратилганини сабаб бўлаётганини қайд этиб, мамлакатимиз салоҳияти катта эканлигига яна бир бор ишонч билдирди.

Кўкчада иш бошлаган мазкур ишшоот «Қабул текстайлз» билан ҳамкорликда ишга туширилган иккинчи корхонадир. Тўйтадаги 1997 йили фойдаланишга топширилган фабрика ҳам қарийб худди шундай қувватга эга. Энди йилига яна иккитадан шундай корхона қурилса, ҳамкорлиқнинг нечоғли самарали бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, икки томонда бир-бирига, шериклик муқаррар фойда келтиришига ишонч катта эканини кўрсатади. Бу ишонч негизда эса яхши муҳит, қўлай шарт-шароит ва имтиёзлар, юртимиздаги барқарорлик ётибди. Бундан ташқари, очилиш маросимидан сўнг бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов «Қабул текстайлз» раҳбариятининг Ўзбекистонда амалга оширилувчи бўлган улкан мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун ушбу компанияга қўшимча қўлайликлар яратилишини айтиди. Бинобарин, корейлик шериклар таъкидлаганидек, Кўкчадаги ишшоот тўқимачилик соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиқнинг бошланиши. Демак, истиқболда Ўзбекистон пахта хомашёси эмас, тайёр маҳсулот экспорт қилувчи давлатга айланиши учун пухта замин ҳозир.

(ЎЗА)
Суратда: қўшма корхонанинг очилиш маросимидан лавҳа Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган сурат

Муҳтарам сайловчи!

Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлари сайловига саноқли кунлар қолди. Сайлов бюллетенларини тўлдиринг овоз беришдаги энг масъулиятли дамлар эканлигини унутманг.

Бюллетенларни тўғри тўлдиринг йўли қандай? Сайлов участкасига келиб, сайлов бюллетенини олганингиздан кейин яширин овоз бериш кабинетида (хонасига) кириб, бюллетенларга тегишли белгилар қўйишигиз шарт. Шунинг билан жонингиз, сайлов бюллетенига мазкур округдан овозга қўйилаётган барча депутатликка номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда қилиниб, тутилган йили, партияга мансублиги, эгалаб турган лавозими (мансублигининг тури) ва уларни депутатликка номзод этиб кўрсатган органнинг номи кўрсатилган бўлади.

Сайлов бюллетени ўзингиз қарши овоз бериётган номзодларнинг фамилияларини ўқиринг йўли билан тўлдирингиз. Қўниртот ана шу талабдан қелиб чиқиб, Сиз бюллетенда ўзингиз ёқлаб овоз бериётган битта номзоднинг фамилиясини қолдиришигиз лозим.

Агар Сиз бюллетендаги барча фамилияларни ўқирсангиз, у ҳолда мазкур округ бўйича кўрсатилган депутатликка номзодларнинг ҳаммасига қарши овоз берган бўласиз.

Агар бюллетенда иккита ёки ундан ортук номзоднинг фамилияси ўқирилмай қолдирилган бўлса, Сизнинг бюллетенигиз ҳақиқий эмас деб топилади, яъни овозларини санаб чиқиш чоғида Сизнинг овозингиз ҳисобга олинмайди.

Шу нарсани ҳам ёдда тутиш жонингиз, сайловчи томонидан бюллетенга қўшимча равишда ёзилган бошқа шахсларнинг фамилиялари ёки бошқа ҳар қандай ёзувларни участка сайлов комиссияси эътиборига олмайд.

Қўниртот ана шу нормаларини билиш ва уларга оғишмай риоя этиш ҳар бир сайловчи овоз бериш кунини ўзининг сайловига доир конституциявий ҳуқуқини тўла-тўқис амалга ошириш имконини беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САЙЛОВИДА ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайловида овоз бериш 1999 йил 5 декабр куни эрталаб соат 6.00 дан бошланиб, кеч соат 20.00 гача давом этади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» Қонун талабига кўра, овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш учун келар экан, ёнида ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Сайлов участкасига келган, сайловчи ўз ҳужжатини участка комиссиясининг аъзосига кўрсатади. Комиссия аъзоси сайловчилар рўйхатига мувофиқ, ҳужжат тақдим этган сайловчининг шахсини аниқлаганидан кейин унга сайлов бюллетени беради. Сайловчи эса бюллетен олганлигининг тасдиғи сифатида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Бирор-бир сабабга кўра, айрим сайловчиларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига кирмай қолганлиги аниқланса, участка сайлов комиссияси сайловчининг шахси, фуқаролиги ва турар жойини тасдиқловчи ҳужжатга асосан, уни сайловчилар рўйхатининг иловасида қайд этади. Шундан кейин сайлов бюллетени бериш юқоридаги тартибда амалга оширилади.

Сайловчи ўз ёки бу номзодга нисбатан ўз муносабатини билдиришни, яъни сайлов бюллетенини тўлдирини махсус кабина ёки хонада амалга оширади. Бу вақтда кабина ёки хонада сайловчилардан бошқа бирор-бир киши ёки кишиларнинг ҳозир бўлиши қатъиян тақиқланади.

Сайловчи бирор-бир сабабга кўра, сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдиролмас, у бошқа бир кишининг ёрдамга қақриши мумкин. Бундай ёрдам

кўрсатувчи шахслар доираси қонунда қатъий белгилаб қўйилган. Бу борада сайлов комиссияларининг аъзолари, кузатувчилар, номзодларнинг ишончли вакиллари сайловчига ёрдам кўрсатишлари тақиқланади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олиб, кабина ёки хонага кирган, ўзи ёқлаб овоз бериётган номзоддан бошқа номзодларнинг фамилияларини ўқиради.

Сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор-бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса ёки бирор-бир бошқа ёзув қолдирса, улар инобатга олинмайди.

Биттадан ортук номзодларнинг фамилиялари ўқирилмай қолдирилган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади.

Сайловчи тўлдирилган бюллетени сайлов кутубхонага ташлайди.

Башарти, овоз берувчи ўз ёки бу сабабга кўра, сайлов бюллетенини бузиб қўйса, унинг илтимосига кўра, участка сайлов комиссияси унга янги бюллетен беради. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари эса сайлов комиссияси томонидан ҳисобга олиниб, бекор қилинади ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар бетоблиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра, овоз бериш биносига кела олмагани мумкин. Участка сайлов комиссияси бундай шахсларнинг илтимосини қондириб, овоз беришни улар турган жойда ташкил этади. Бу вазифани бажариш комиссия аъзолари зиммасида бўлади.

Тегишли участка сайлов комиссиясининг раиси овоз бериш чоғида тартиб сақлашни учун жавобгардир.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

00 - БАҲОР САЙЛОВ ОКРУГИ

5 декабр 1999 йил

Депутатликка номзодлар: КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ:

АНТОНОВ Алексей Сергеевич	1936 й., «Адолат» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар 11-касалхонаси врач	1936 г., член партии «Адолат», врач больницы №11 города Ташкента	Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Социал-демократическая партия Узбекистана «Адолат»
БОТИРОВ Шокир Гуломович	1946 й., «Ватан тараккият» партияси аъзоси, «Тошсизликкоммуэнергия» ишлаб чиқариш бирлашмаси мудири	1946 г., член партии «Ватан тараккият», инженер производственного объединения «Тошсизликкоммуэнергия»	Ўзбекистон «Ватан тараккият» партияси
РАСУЛОВ Уктам Рузиевич	1940 й., «Миллий тикланиш» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар 37-мактаб директорининг ўринбосари	1940 г., член партии «Миллий тикланиш», заместитель директора школы №37 Чиланзарского района города Ташкента	Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси
ТУСУНОВ Макмуд	1944 й., «Фидокорлар» партияси аъзоси, Тошкент шаҳар телефон станцияси оператори	1944 г., член партии «Фидокорлар», оператор телефонной станции города Ташкента	Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партияси Национально-демократическая партия Узбекистана «Фидокорлар»
ЦОЙ Михаил Аркадьевич	1936 й., ҲХДП аъзоси, «Шарк» кичик корхона директори	1936 г., член партии НДПУ, директор малого предприятия «Шарк»	Ўзбекистон Халқ демократик партияси Народно-демократическая партия Узбекистана
ФОЗИЛОВА Турсуной Пулатовна	1940 й., партиясиз, Тошкент тўқимачилик ва ёпиш саноат олаётида ишловчи	1940 г., беспартийная, преподавательница Ташкентского института текстильной и легкой промышленности	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши Совет народных депутатов города Ташкента
КОСИМОВ Тоғлип Шужурович	1949 й., партиясиз, «Қундуз» очик турдаги акционерлик жамияти раиси	1949 г., беспартийный, председатель акционерного общества открытого типа «Қундуз»	Сайловчилар ташаббускор гуруҳи Инициативная группа избирателей

Қарши овоз берилганда депутатликка номзодларнинг фамилиялари ўқирилди. Овоз бериш чоғида биттадан ортук депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата в депутаты, признается недействительным.

1999 йил
5 декабр -
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси, халқ
депутатлари вилоят,
туман ва шаҳар
кенгашларига сайловлар куні

САЙЛОВЛАР – КУЧЛИ ДАВЛАТДАН КУЧЛИ ЖАМИЯТ САРИ ЕТАКЛАЙДИ

2000 йил
9 январ -
Ўзбекистон
Республикаси
ПРЕЗИДЕНТИ
сайлови куні

Фуқаролик жамиятининг пойдевори бўлмиш Конституцияда фуқароларнинг эркинликлари, ҳуқуқлари, ҳимоялари, давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг идоралар фаолиятини ташкил этишининг мезоний қоидалари, сайлов тизимини йўлга қўйиш, оялини мустақамлаш борасидаги ҳуқуқий кафолатлар ва бошқалар ўз аксини топган.

Конституция Олий Мажлис 11-сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинди. Мазкур ҳужжат дунё сиёсий ҳаритасида мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳонга танилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидан биринчи Мустақиллик Конституциясини қабул қилганлиги билан ўз ифодасини топди.

Конституциявий пойдевори бунёд этишда ўзимизда тўлган кўп асрлик давлатчилик амалиётига ва ўз миллий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларимизга асосланган қоидаларга, ривожланган мамлакатлар ва давлатларнинг Конституциявий тартибидан кенг фойдаланилган.

Аниқроқ қилиб айтганда Конституциявий амалиёт соҳасида жаҳон миёсидаги тажрибалардан қуйидаги бандлардан омил сифатида фойдаланилди:

биринчидан, Конституциявий тартибга солиш тамойиллари - давлат ҳокимияти ваколатларининг бўлиниши, инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқларга содиқлик; иккинчидан, Асосий қонун матнининг муқаддима, бўлимлар, боблар ва моддалар бўйича тузилиши; учинчидан, ҳажмининг

ри билан боғлиқ турли давлат органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилувчи қонунлар, улар жумласига, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Прокуратура, Ички ишлар бўлимлари ва Маҳаллий бошқарув органларининг, Сиёсий партиялар ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги қонунлар шулар жумласидандир.

Иқтисодий соҳа бўйича, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ: САЙЛОВ ТИЗИМИ

Ўтишининг ҳуқуқий асослари тўғрисидаги қонунларнинг қабул қилиниши. Улар Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»-ги, «Тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»-ги, «Деҳқон-фермер хўжаликлари тўғрисида»-ги, «Банкротлик тўғрисида»-ги, «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»-ги қонунлардир.

Конституцияда мустақамлаб қўйилган тартибқоидалар умумбашарий қадриятларни рўйбага чиқаришда ёрдам бериши, фуқароларнинг ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатлаши, жамият ва давлатга зарар етказмаслиги керак. Кўпчилик конституцияларда шахс ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар, яъни инсон ҳуқуқлари алоҳида берил-

нинг Республика формаси учун асосий муҳим хусусият бу давлат органларининг сайлаб қўйилишидир.

Сайлов тизими бир-бирига зид бўлмаган принциплар ва аниқ талаблар асосида қўрилиши керак.

Демократиянинг энг муҳим тамойили - фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари, ўз хоши-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўйбага чиқариш ва ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий ҳуқуқий жиҳатдан таъминланганлиги:

тўртинчиси - сайлов тизимининг демократиялиги, фуқаролик ва сиёсий партияларнинг тенг ҳуқуқлилиги:

бешинчиси - сайлов тизимининг фуқаролик жамиятига хос бўлган барқарорлик, қонунийлик, ҳуқуқий тартибот, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашга йўналтирилиши:

олтинчиси - сайлов тизимининг халқчиллиги, барча фуқаролар учун тушунарли ва қулай бўлиши: еттинчиси - сайлов тизимининг ўхшашлиги, Конституциявий, ҳуқуқий суд назорати остида бўлиши:

саккинчиси - сайлов тизимининг тенглик асосида бўлиши:

тўққизинчи принцип - овоз бериш ва сайлашнинг зиддиятсиз, унинг учун етарли бўлган шарт-шароит олишга кафолат яратилиши.

Амалдаги Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафий ғоясига қўра янги ҳужжатдир, унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ.

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизга асосланиб чиқарилган барча қонунлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар инсон манфаатларига, унинг порлок келажагига қаратилганлиги билан ҳам муҳимдир. Зеро инсон- жамиятнинг яратувчисидир.

Фарҳод ТОҲИРОВ, ТДЮ доценти.

УНУТИЛМАС ОНЛАР

95-Унхаёт сайлов округи бўйича Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан «Ипақчи» акциядорлик жамиятининг клубида бўлиб ўтган учрашуви тантанали бошланди, дей ҳикоя қилади ЎЗА муҳбири Н.Хўжаева. Зал байрамлардагидек безатилган, куй янграб турибди. Номзодлар билан танишиш мобайнида уларнинг ҳар бирига гуллар тақдим этилди. Хуллас, сайловчилар билан номзодлар ўртасида ниҳоятда самимий мулоқот бўлди.

95-Унхаёт сайлов округидан Олий Мажлис депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Фидокорлар миллий демократик партияси ва Наманган вилояти халқ депутатлари Кенгаши томонидан 4 номзод рўйхатга олинган. Уларнинг 3 нафари округ ҳудудида истиқомат қилади. Демак, маҳаллий аҳоли уларни яхши танийди. Шунинг учун ҳам учрашувда номзодлар ҳақида яхши гаплар айтилди. Ҳозирги кунда пойтахтда истиқомат қилаётган, асли Наманганлик номзодга ҳам сайловчилар хайрихоҳ муносабатда бўлди.

Номзодлар ҳам ўз сайловолди дастурларини баландпарвоз гапларсиз, амалий руҳда баён этди. Улар Олий Мажлис депутатлигига сайланмаган тақдирда ҳам ҳозир ўз дастурларидан қўрсатилган муаммоларни ҳал этиш учун бор қучларини аямасликларини таъкидлашди. Номзодларнинг ҳар бири ўз сўзининг якунида бир-бирига ҳурматини таъкидлагани ҳолда, энг муносиб номзод учун овоз беришга даъват этишди.

Номзодларнинг сайловолди дастурлари батафсил изоҳлангани туфайли саволлар кўп бўлмади. Чунки Уйчи туман сайлов комиссияси ташаббуси билан сайловчиларга овоз бериш жараёни батафсил тушунтирилган эди.

Файзиобод қишлоғида истиқомат қилувчи Зокиржон Сотволдиев учрашувдан сўнг шундай деди: — Сизга бўлсангиз керак, депутатликка номзодларимизнинг барчаси обрў-этиборли, халқ хурматида сазовор одамлар. Бунинг устига, учта номзодни яхши биламиз. Лекин улардан фақат биттаси сайланиши керак. Бутун оиламиз билан шу масала устида бош қотиряпмиз.

Наманган вилоятининг бошқа округларида ҳам сайловчилар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига номзодлар билан учрашувлар ҳам қизгин руҳда ўтмоқда. Одамлар сайлов натижалари мамлакатимизнинг равнақи, халқимизнинг фаровонлиги учун катта аҳамият касб этишини чуқур англамоқда.



«ЭЛТЕКС» ХАЛҚ ХИЗМАТИДА

Бугунги кун ўзбек аёлининг нафақат оилада, балки ишлаб чиқаришда, ижтимоий-сиёсий турмушда тобора фаол иштирок этиши, жамиятдаги ўрнининг кенгайиб бориши қувонарли ҳолдир.

Элликқалба туманидаги «Элтекс» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти аёллари ҳам ўзларини жамият тақдирига дахлдор, тараққиётимиз олдида бурчли деб ҳисоблашади. Мазкур корхонанинг фаолият кўрсата бошлаганига ҳам беш йилдан ошди. Ҳозирги кунда бу ерда бир мингга яқин ишчи хизмат қилади. Улар жинси материалдан тикиб чиқараётган 10 турдаги эркалар ва болалар куртаси, шим ва кўйлақлар, махсус кийим-бошлар нафақат республикамиз аҳолисига, балки МДХ мамлакатларига ҳам жўнатилмоқда. Корхона жамоаси ўтаётган йилни яхши натижалар билан якунлапти. Аёллар йилда корхона маъмурияти ташаббуси билан «Корхона хотин-қизлари учун республи-

Сарҳисоб

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари қасаба уюшмасининг III курултойи бўлиб ўтди. Унда тармоқ қасаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кўмиталари ва Куролли Кучлар бirlашган қасаба уюшма кўмитасидан сайланган вакиллар иштирок этдилар.

Курултойда Марказий кўмитанин хисобот давридаги фаолияти ва қасаба уюшма олдида турган энг муҳим вазифалар юзасидан маъруза тингланиб, муҳокама қилинди. Маърузачи ва нотиклар мамлакатимизда ҳурматли Президентимиз бошчилигида изчил амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сиёсатини қизгин маъқуладилар, тармоқда қўлга киритилган ютуқлар ҳамда йўл қўйилган камчиликлар сабабларини а т р о ф и ч а таҳлил этдилар. Айниқса, қасаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантириш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни янада мустақамлаш масалалари кун тартибидеги энг долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратилди.

ИШЧАНЛИК, ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Анжуманда фуқаролик жамияти авазига беш қаватли хушбичим супермаркет биносини курди. Унда 500 турдан ортик озик-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмолчи моллари, уй-рўзгор буюмлари сотилмоқда.

«Элтекс» корхонасининг бундай мувофакиятларга эришиши ушбу жамият жамоасининг ғайратига ғайрат қўшмоқда. Уларнинг келгуси режалари маҳсулотлар турини янада кўпайтириш ва хорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилишдир.

Суратда: тўқувчилар (чапдан) Саида Ражабова ва Насиба Куронбоевалар.

Р.ЖУМАНИЕЗОВ (ЎЗА) олган сурат.

«ИНТЕРНЕТ» ТАРМОҒИ ИМКОНИЯТЛАРИ

Телекоммуникациялар ва компьютерлар оламида умумий ахборот тармоғи бўлган «Интернет» пайдо бўлганига ҳам кўп вақт бўлган йўқ. Шунга қарамастан бу тармоқ бутун ер юзи бўйлаб кенгайиб кетди. Бугунги кунда «Интернет»-дан фойдаланувчилар сони дунё мамлакатлари бўйлаб 10 миллиондан ошди.

Тобора кенгайиб бораётган жаҳон ахборот тармоғи ўз фойдаланувчиларига турли хил ахборотлар, масалан, илмий-техникавий, сиёсий-иқтисодий, бизнес-маркетинг, адабий-бадиий, санъат-шунослик, хуллас, ҳаётнинг барча йўналишлари бўйича маълумотлар беришга қодирлигини кўрсатиб улгурди.

«Интернет»-га тенг бўлган ахборот тизими дунё бўйича ҳозирча йўқ. Бундан ташқари унга кун сайин янги-янги абонентлар қўшилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси 1996 йилда биринчи бўлиб «Интернет» тармоғига маълумотлар айтиш тармоқ - давлат корхонаси «УЗПАК» халқаро оператор ҳуқуқи билан қўшилди.

Зарлари, таклиф-истакларини баён этдилар.

Талабчанлик ва ошқоралик вазиятида ўтган курултойлар иштирокчилари муҳим сиёсий жараён - сайловлар тўғрисида, бўлгуси депутатларнинг XXI асрга кадам қўяётган мамлакатимиз оқсалишига қўшадиган ҳиссалари ҳақида ҳам ўз муносабатларини билдирдилар.

Ташкилий масалалар кўрилган Пленумларда М.Мирҳосимов Ўзбекистон Автомобил транспорти ва йўл хўжалиги ходимлари қасаба уюшма Марказий кўмитаси раиси, Ш.Ёкубов эса Ўзбекистон Курилиш ва қурилиш ашёлари саноати қасаба уюшма Марказий кўмитаси раиси этиб сайландилар.

Қаشقадарё, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари конференцияларида ҳам нотиклар асосий эътиборни ишловчиларни ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлигини таъминлашда раҳбарларнинг масъулиятини янада ошириш, ислохотларни жадаллаштиришда шахсий улшун кўпайтириш ва инсон омили билан боғлиқ қатор муаммолари масалалар ечимига қаратдилар.

Конференциялар сўнггида ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Қаршида бўлиб ўтган пленумда Э.Ражапов Қаشقадарё вилояти қасаба уюшмалари Кенгаши раиси ва Нукусдаги пленумда Б.Юсупова Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшмалари Кенгаши раиси этиб сайландилар.



6 декабр - 12 декабр

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Профилактика муносабати билан душанба, 6 ноябр «Ўзбекистон-1» телеканали курсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача УЗТВ II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
15.00 «Жаҳон спорти»
15.20 «Кайноналик келин». Теленовелла.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот»
8.30 Марказий газеталар шарҳи.

«Ўзбекистон» телеканали-
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

22.05 «Мулкдор»
22.25 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 104-қисм.

2 Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан душанба, 6 декабр «Ўзбекистон-1» телеканали курсатувлари соат 6.30 дан 16.00 гача УЗТВ-II «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Ахборот»
8.40 «Сайхун тароналари». Концерт.

13.00 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
15.00 «Жаҳон спорти»
15.20 «Кайноналик келин». Теленовелла.

12.25 «Муслик саёҳат»
12.45 «Маънавият» дастури.
13.35 «Ўзодлик». Видеофильм. 1-қисм.

14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 Болалар учун. «Қизилқоғди равшан».

14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 Болалар учун. «Қизилқоғди равшан».

14.10 «Инсон ва замин». Тележурнал.
14.30 Болалар учун. «Қизилқоғди равшан».

ДУШАНБА, 6
18.35 «ТВ-саёҳат».
18.55 «Муслик саёҳат».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.

СЕШАНБА, 7
18.00 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 104-қисм.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ ЧОРШАНБА, 8
9.50 «Шум бол», Бадий фильм.

ПАЙШАНБА, 9
22.55 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 105-қисм.

ЖУМА, 10
23.30 «Жаҳон эстрадаси».
23.50 Синема: «Киборг полициячи».

ШАНБА, 11
19.35 «Бахс, мунозара, таҳлил».
19.55 «Муслик саёҳат».

ЯҚШАНБА, 12
17.50 «Наволарда аён этсам». Муслик дастури.

01.05 «Тонг юлдузи».
17.55 Курсатувлар дастури.
18.00 «Ерилтош». Мульттўплам.

18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».

18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».

18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».

18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт». Информацион курсатуви.
18.45 Телегазета «Экспресс».

11.00 «Армуғон». Муслик курсатуви.
11.15 «Бева Бланка». Телесериал.

9.00 «Тонги пойтахт»
9.30 «Ерилтош». Мульттўплам.

18.50 «Соккер-клуб».
19.05 «Ўғрини ушла». Телесериал.

18.50 «Сени излайман».
19.40 «Кутиш зали». Кўп қисмли бадий фильм.

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 «Ўғрини ушла». Телесериал.

18.50 «Дил изхори».
19.00 «Ўғрини ушла». Телесериал.

17.55 «Комиссар Рекс». Телесериал.
18.00 «Ўғрини ушла». Телесериал.

11.05 «Ўрдалик». Киномотограф. «Поезддаги ўғриник». Бадий фильм.

11.20 «Фан-тайм». (Болалар учун инглиз тили)
11.30 Киномотограф: «Кобра». Бадий фильм.

